



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 18 август, № 171 (7129)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН — СТРАТЕГИК ШЕРИК МАМЛАКАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 17 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик, ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирга мустақам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустақамланди.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 9-10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифи тарихий воқеа бўлди. Давлат раҳбарларининг очик, ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлари нафақат Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини ривожлантириш, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга илк давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлик ривожига навабдаги улкан воқеа, деб эътироф этилмоқда.

Ислоҳ Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Эмомали Раҳмон Президентимиз ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Қўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказди.

Президентимиз Тожикистон раҳбарини самимий қутлаб, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида қисқа муддатда мустақам ҳамкорлик қарор топгани, бу ташриф изчил мустақамлаштиришга бораётган ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотнинг мантиқий давоми эканини алоҳида таъкидлади.

— Кўшни Тожикистон билан дўстона муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Сизнинг Ўзбекистонга давлат мақомидаги илк ташрифингиз шундан далolat беради. Биз уни ўзаро ишончга асосланган сиёсий муносабатларнинг давоми, деб биламиз, икки томонлама муносабатларни янада юксак даражага кўтариш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёрмиз.

Тожикистон Президенти Ўзбекистон раҳбарига таклиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ушбу учрашув ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

— Сизнинг жорий йил март ойида Тожикистонга давлат ташрифингиз мамлакатларимиз тарихида янги зарҳал саҳифа очди. У Тожикистон — Ўзбекистон муносабатларини қайта тиклади, барча соҳадаги комплекс масалаларни изчил ривожлантиришга кучли туртки берди. Самарали ташқи сиёсатингиз туфайли Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ошиб бормоқда. Бу ташриф халқларимизнинг фаровонлиги учун муҳим аҳамият касб этади, — деди Эмомали Раҳмон.

Давлатимизнинг очик, конструктив ва прагматик ташқи сиёсати натижасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида турли даражадаги делегациялар алмашишлари фаоллашди. Президентимизнинг Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ўзаро ҳамкорликни сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа етакчи соҳаларда ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида эркин савдо тартиби жорий қилинган. 2002 йилда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳуқуматлараро комиссия тузилган. Жорий йилда мазкур комиссиянинг тўртта мажлиси ўтказилгани томонлар бу алоқаларга катта аҳамият беришидан далolat берди.

Чегарадаги ўтказиш пунктлари очилгани, мамлакатларимиз ўртасида транспорт қатнови тиклангани одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларда томонларнинг қарашлари ўхшаш ёки яқиндир. Жумладан, кўшни Афғонистонда барқарорлиқни таъминлаш борасида томонлар халқаро ҳамжамият билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашди.

Терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмиллий жиноят-

лар, халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишни чуқурлаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шу муносабат билан икки мамлакат ҳуқуқлари муҳофаза қилиш органлари, маҳсус хизматлари ва мудофаа тизимлари ўртасида ҳамкорликнинг самарали механизми ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларини кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, инвестиция, қишлоқ ва сув ҳўжаллиги, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айланмаси жадал суриятларга ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо ҳажми 35,1 фоиз ортди. 2018 йилда қиймати 300 миллион доллардан ортқ шартнома ва келишувлар имзоланди, уларни ҳаётга татбиқ этиш чоралари қўрилмоқда.

Президентимиз ўзаро савдо айланмаси мамлакатларимиз салохиятига мос эмаслиги, товар айирбошлаш ҳажминини йилгига 1 миллиард долларга етказиш учун фойдаланилмаган улкан зариралар мавжудлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда Тожикистон капитални иштирокчида 39 корхона фаолият қўрсатмоқда. Тожикистон ҳудудига ўзбекистонлик сармоядорлар томонидан тузилган 8 корхона мавжуд. Ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш мақсадида Душанбе ва Тошкентда қўшма бизнес форумлари ўтқа-

зиш яхши анъанага айланди. Мазкур ташриф доирасида пойтахтимизда ўтказилган қўшма бизнес форумида қиймати 103 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳуқуматлараро комиссияга ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва таркибини диверсификация қилишни изчил давом эттириш бўйича топшириқлар берилди. Икки мамлакат бизнес тузилмалари ва чегараолди ҳудудлари ўртасида кооперацияни кенгайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қўриш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ ҳўжалиги техникасини йиғиш, қурилиш материаллари, озик-овқат, тайёр тўқимачилик, электротехника маҳсулотлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини тезлаштиришга келишиб олинди.

Энергетика соҳасидаги самарали ҳамкорлик мустақамлашиб бормоқда. Жорий йил апрель ойидан Тожикистонга табиий газ етказиб бериш тикланди. Тожикистондан электр энергияси сотиб олиш ҳажми ортмоқда. Мамлакатларимиз бундан бундан ҳам транспорт ва халқаро транзит коридорларини ривожлантириш соҳасида янада самарали ҳамкорлик қилиш учун амалий сўй-ҳарақатларни бажаришга тайёр.

Худудлар ўртасида алоқалар ривожланмоқда. Сўнгги бир йилда икки мамлакат вилоятлари ўртасида 9 мартаба делегациялар алмашилди. Ишбилармонлар делегацияларининг ташрифлари доирасида вилоятлар ўртасида бизнес форуми ва кўргазмалар ўтказиш йўлга қўйилди.

Марказий Осиё сув ресурсларида оқилона фойдаланиш ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан. Томонлар бу борада очик мулоқоти давом эттириш тарафдори. Музокара натижасида Зарафшон дарёсининг Тожикистон ҳудудига қисмида Ўзбекистон ва Тожикистон компаниялари иштирокида 320 мегаваттлик 2 та ГЭС қўришга келишиб олинди.

Фанлар академиялари, олий таълим муассасалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди. Тожикистон Президентининг мазкур ташрифи арасида илмий ва маданий доиралар вакиллари учрашиб, мамлакатларимиз маданий-гуманитар ҳамкорлиги истиқболларини муҳокама этгани эътиборлидир.

Бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган тожик миллиятига мансуб юрtdошларимиз нуфуси 1,5 миллионга яқин. Улар орасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар кўп. Республика тожик миллий маданияти марказининг жойларда 10 та филиали фаолият қўришмоқда. 245 умумтаълим мактабиде таълим тожик тилида олиб борилади. Тожик тилида чоп этилган 4 даврий босма нашр мавжуд, ўнлаб телекўрсатув ва радиосўнатиришлар эфирга узатилмоқда.

Шубҳасиз, Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида эришилган улкан ижобий ўзгаришлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамламоқда. Йиллар давомида қўшма бизнес форумлари ўтқа-

зиш яхши анъанага айланди. Мазкур ташриф доирасида пойтахтимизда ўтказилган қўшма бизнес форумида қиймати 103 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳуқуматлараро комиссияга ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва таркибини диверсификация қилишни изчил давом эттириш бўйича топшириқлар берилди. Икки мамлакат бизнес тузилмалари ва чегараолди ҳудудлари ўртасида кооперацияни кенгайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қўриш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ ҳўжалиги техникасини йиғиш, қурилиш материаллари, озик-овқат, тайёр тўқимачилик, электротехника маҳсулотлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини тезлаштиришга келишиб олинди.

Энергетика соҳасидаги самарали ҳамкорлик мустақамлашиб бормоқда. Жорий йил апрель ойидан Тожикистонга табиий газ етказиб бериш тикланди. Тожикистондан электр энергияси сотиб олиш ҳажми ортмоқда. Мамлакатларимиз бундан бундан ҳам транспорт ва халқаро транзит коридорларини ривожлантириш соҳасида янада самарали ҳамкорлик қилиш учун амалий сўй-ҳарақатларни бажаришга тайёр.

Худудлар ўртасида алоқалар ривожланмоқда. Сўнгги бир йилда икки мамлакат вилоятлари ўртасида 9 мартаба делегациялар алмашилди. Ишбилармонлар делегацияларининг ташрифлари доирасида вилоятлар ўртасида бизнес форуми ва кўргазмалар ўтказиш йўлга қўйилди.

Марказий Осиё сув ресурсларида оқилона фойдаланиш ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан. Томонлар бу борада очик мулоқоти давом эттириш тарафдори. Музокара натижасида Зарафшон дарёсининг Тожикистон ҳудудига қисмида Ўзбекистон ва Тожикистон компаниялари иштирокида 320 мегаваттлик 2 та ГЭС қўришга келишиб олинди.

Фанлар академиялари, олий таълим муассасалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди. Тожикистон Президентининг мазкур ташрифи арасида илмий ва маданий доиралар вакиллари учрашиб, мамлакатларимиз маданий-гуманитар ҳамкорлиги истиқболларини муҳокама этгани эътиборлидир.

Бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган тожик миллиятига мансуб юрtdошларимиз нуфуси 1,5 миллионга яқин. Улар орасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар кўп. Республика тожик миллий маданияти марказининг жойларда 10 та филиали фаолият қўришмоқда. 245 умумтаълим мактабиде таълим тожик тилида олиб борилади. Тожик тилида чоп этилган 4 даврий босма нашр мавжуд, ўнлаб телекўрсатув ва радиосўнатиришлар эфирга узатилмоқда.

Шубҳасиз, Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида эришилган улкан ижобий ўзгаришлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамламоқда. Йиллар давомида қўшма бизнес форумлари ўтқа-

да, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради, — деди Эмомали Раҳмон.

Тожикистон Президенти халқларимиз ўртасидаги самимий дўстлик ва яқин қардошлик муносабатларининг яққол намунаси сифатида Президентимизга буюк шoir ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари таржимаси тўпланган "Чашмаи хирад" китобини совға қилди.

Тожикистон раҳбарининг ташрифи арасида "Ўзэкспо-марказ"да Тожикистон саноат маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Куннинг иккинчи ярмида Президентлар мазкур қўрмага ташриф буюрдилар.

Ташқи савдо ва иқтисодиёт маҳкамаларига экспорт-импорт алоқаларини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Саноат корхоналари ўртасида кооперацияни ривожлантириш, тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон пойтахтимиздаги "Artel" заводига бўлди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги маиший техника ва электр жиҳозлари, илғор стандартлар асосида маҳсулот йиғув жараёни олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Эмомали Раҳмон Ўзбекистон маҳсулотлари сифати ва нархи билан рақобатбардошлиги, хусусан, "Artel" жиҳозлари Тожикистонда ҳам харидорлигини таъкидлади.

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида "Дўстлик оқшоми" номли концерт бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўзбек ва тожик халқлари азалдан ёнма-ён яшагани, қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтганини таъкидлади.

— Ўзбек ва тожик халқлари бир дарҳининг икки шохи, бир дарёнинг икки irmогига ўжайди. Бизнинг муқаддас динимиз, еримиз ва сувимиз бир. Қувончу ташвишларимиз, тақдиримиз муштарак. Аждодларимизнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, халқларимиз дўстлигини мустақамлашимиз ва асраб-авайлашимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тадбирда Президентимиз Эмомали Раҳмонга икки томонлама ҳамкорликни, халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустақамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун давлатимизнинг "Эл-юрт ҳурмати" орденини топширди.

Тожикистон Президенти юксак ҳурмат, эътибор учун самимий миннатдорлик билдириб, муносабатларнинг бугунги босқичи халқларимизнинг тарихий ютуғи эканини таъкидлади.

"Дўстлик оқшоми" тобора мустақамлашиб бораётган Ўзбекистон ва Тожикистон ҳамкорлиги, халқларимиз дўстлигининг яна бир ифодаси бўлди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БОШҚАРУВНИНГ АЛОҲИДА ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикада худудларни комплекс ривожлантиришга, жойларда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал қилишга қодир маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини тезкор ҳал қилишга тўқинлик қилаётган тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далolat бермоқда. Хусусан:

биринчидан, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда комплекс ёндашув ҳамда ҳокимлар ва улар ўринбосарларининг давлат бошқаруви органлари худудий бўлиналари билан яқин ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилмаган;

иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзига хос бўлмаган бир қатор вазифа ва функциялар юклатилган бўлиб, уларни амалга оширишнинг тақсимланган ҳуқуқий ва молиявий механизмлари мавжуд эмас, оқибатда ҳокимликлар ҳузурида маъмурий ва бошқарув функцияларига эга бўлган алоҳида квазидавлат корхона ва ташкилотлар тузилмоқда;

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ

«Икки томонлама муносабатларда янги давр бошланмоқда»

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки халқ учун узоқ кутилган воқеа бўлди. Юртимизнинг ички ва ташқи сиёсатида кечаятган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётган хориж оммавий ахборот воситаларида мазкур ташриф расмий Тошкентнинг янгиланган сиёсати натижаси сифатида баҳоланмоқда.

Бу мавзу бўйича АҚШнинг "The Washington Post" газетасида чоп этилган мақолада узоқ йиллар давомида ҳал қилинмай келинган мураккаб муаммолар туфайли яқин давргача Ўзбекистон ва Тожикистон алоқаларида совуқлик ҳукм сургани қайд этилади. Ўзбекистонда ҳокимиятга Шавкат Мирзиёевнинг келиши билан ички ҳамда ташқи сиёсатда



янгилаш кузатилади. Ўзбекистон Президенти ўзининг самимияти, фаоллиги ва ҳамкорликка интилиши билан давлатлараро муносабатларда "музларни эрита олди". Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойида Душанбега амалга оширган давлат ташрифида воқеалар ўзанини мутлақо янги йўналишга бургани, "ўзбек дипломатияси"нинг яна бир муваффақияти бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИТОШКЕНТ ШАҲРИДА БОШҚАРУВНИНГ АЛОҲИДА ТАРТИБНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

учинчидан, давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган кўп сонли идоралараро ҳудудий коллегиял органлар (комиссиялар, кенгашлар)нинг мавжудлиги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифа ва функциялари алмашшига, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун масъулиятнинг йўқолиб боришига олиб келмоқда;

тўртинчидан, Тошкент шаҳрининг тасдиқланган бош режаси мавжуд эмаслиги тартибсиз қурилишларга олиб келмоқда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгайтиришга имкон бермапти, шунингдек, ижтимоий объектларни комплекс жойлаштириш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда пойтахтни фаол ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тўқсинлик қилмоқда;

бешинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартиби уларга юклатилган вазифалар, функциялар ва масъулият ҳажмига мос келмайди, бу эса уларнинг иш самарадорлигига таъсир қилмоқда;

олтинчидан, депутатлик ва жамоатчилик назорати механизмлари лозим даражада ишга солинмаган, халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкил этишнинг амалдаги тартиби маҳаллий ижро этувчи органлар фаолияти устидан назоратни тўлиқ таъминламайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларнинг тегишли ҳудуддаги энг муҳим муаммоларни ҳал қилишдаги ролини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **2018 йил 1 сентябрдан Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибни жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш** ҳақидаги қуйидагиларни назарда тутувчи таклифи қабул қилинсин:

Тошкент шаҳар ва унинг таркибига кирувчи туманлар (кейинги ўринларда туманлар деб юритилади) ҳокимликлари бошқарув аппаратлари негизда халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида тегишли ҳоким томонидан тузилмаси ва штатлари белгиланадиган ва ўзгартирилаётган **Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари девонларини** ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари раҳбарларини Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тегишли вазир билан келишилган ҳолда, **уларнинг туман бўлинмалари раҳбарларини** эса тегишли ҳудудий давлат бошқаруви органи раҳбари билан келишилган ҳолда туман ҳокими томонидан **лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш**;

Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари иштирокидаги давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган **ҳудудий идоралараро коллегиял органлар** (комиссиялар, кенгашлар ва бошқалар)ни уларнинг вазифа ва функцияларини тегишли ҳудудий давлат бошқаруви органларига берган ҳолда **қескин қисқартириш**.

2. Қуйидагилар тегишлича **Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари бўйсунувига** ҳамда Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари девонлари тузилмасига **ўтказилиши**:

Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармаси ҳамда туманларнинг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармаси ва туман ҳокимликларининг молия бўлимлари;

Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ва туманлар қурилиш бўлимлари;

Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ва туманлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлимлари;

Инвестициялар бўйича давлат кўмитасининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий бошқармаси ва инвестициялар бўйича туман бўлимлари.

3. Тошкент шаҳрида мазкур Фармоннинг 2-бандида кўрсатилган давлат бошқаруви органлари ишини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

а) **республика давлат бошқаруви органлари**: тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини; давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини услубий таъминлаш ва мувофиқлаштиришни;

тегишли тузилмаларни малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини **амалга оширади**;

б) **Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимлари** Тошкент шаҳри ва туманлардаги ҳудудий давлат бошқаруви органлари фаолиятига умумий раҳбарликни **амалга оширади**, уларга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишини ташкил этади;

в) Тошкент шаҳридаги ҳудудий давлат бошқаруви органлари Тошкент шаҳар ҳокимига бўйсунди ва ўз фаолияти тўғрисида тегишли республика давлат бошқаруви органига ҳисобот беради;

г) Тошкент шаҳри туманларидаги ҳудудий давлат бошқаруви органлари туман ҳокимига бўйсунди ва ўз фаолияти тўғрисида Тошкент шаҳридаги тегишли ҳудудий давлат бошқаруви органига ҳисобот беради.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ҳузуридаги Каналларни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича ихтисослашган бошқарма негизда асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган **Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармасини** ташкил этиш:

Тошкент шаҳри ҳудудда жойлашган каналлар ва улардаги иншоотларни сақлаш бўйича ягона техника сиёсатини олиб бориш;

Тошкент шаҳри ҳудудда жойлашган каналлар ва сув ҳўжалиги иншоотларининг тегишли санитар ҳолати ва техник ишончилигини таъминлаш;

каналлардан ишончли фойдаланиш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш учун тайёрлаш;

каналларни санитар тозалашни комплекс ва тубдан яхшилаш, каналларга туташ ҳудудларни санитар, экологик меъёр ва қоидаларга мувофиқ ободонлаштириш вазифаларини амалга ошириш;

каналларнинг шаҳардан ўтадиган қисмларини, улар ўзларини бетонлаш йўли билан реконструкция қилиш, қирғоқ бўйларида замонавий ландшафт меъморчилиги усулларини қўллаган ҳолда рекреацион ҳудудларни шакллантириш;

ажратилган маблағлар, моддий-техника ресурслари, махсус техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини, жумладан, сув ва энергия тежовчи технологияларни жорий этган ҳолда ошириш;

б) Тошкент шаҳар ижро этувчи ҳокимият тузилмасида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган **Тошкент шаҳар транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаментини** ташкил этиш:

шаҳар транспортини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг самарали механизмларини ташкил этиш, бошқариш, ишлаб чиқиш ва қўллаш тизимини такомиллаштириш;

транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмаси, шунингдек, автомобиль тўхташ жойларини ривожлантириш соҳасида шаҳар дастурларини ишлаб чиқиш;

шаҳар йўловчи транспорти фаолият юртишининг ишончилиги, хавфсизлиги ва қулайлигини ошириш;

йўллар, йўл объектлари ва йўл-транспорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш учун йўл ҳаракатини ташкил этишнинг хавфсиз ва самарали дастурлари ва чизмаларини, шу жумладан, йўл ҳаракатини тартибга солиш тизимларини, замонавий интеллектуал ахборот-коммуникация тизимларини режалаштириш, лойиҳалаш ва жорий этиш;

Тошкент шаҳар ташкилотлари, шу жумладан, коммунал ва эксплуатация ташкилотларининг йўл-транспорт инфратузилмаси ва йўл объектларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, мувофиқлаштириш.

5. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими тугатилиб, Тошкент шаҳар ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими;

Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиги лавозими;

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси бошлиги лавозими;

Тошкент шаҳар ҳокими девони раҳбари лавозими жорий этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Тошкент шаҳар ҳокими ва туманлар ҳокимлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ намунавий тузилмаларга асосан тегишли ҳудудда ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик қилади;

Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкилий, молиявий, моддий-техникавий ва бошқа таъминоти уларнинг мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этиладиган котибиятлари томонидан, ҳокимлар ва улар ўринбосарларининг таъминоти эса — тегишли ҳоким девони томонидан амалга оширилади;

Тошкент шаҳар транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаменти Тошкент шаҳар ҳокимига бўйсунди;

Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси, шунингдек, Тошкент шаҳар транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаментининг штат бирикмали Тошкент шаҳар ҳокими томонидан белгиланади;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ва Тошкент шаҳар бюджети ўртасида тақсимланадиган соликларнинг тасдиқланган параметрларидан ошириб бажарилган суммасининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тегишли қисми Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетига ўтказилади.

7. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари иштирокидаги **ҳудудий идоралараро коллегиял органлар (комиссиялар, кенгашлар)** уларнинг вазифа ва функцияларини 3-иловага мувофиқ ваколатли органларга ўтказган ҳолда;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги давлат унитар корхоналари 4-иловага мувофиқ ўрнатилган тартибда тугатилинсин.

8. Тошкент шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашларига:

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган ва депутатлар орасидан бўлган халқ депутатлари Кенгаши котиби бошчилиги қилаётган **доимий асосда фаолият юритувчи халқ депутатлари Кенгаши котибиятин**и ташкил этиш, шунингдек, унинг тузилмасини тасдиқлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан депутатлик, жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан, шу жумладан, ҳокимлар ва давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини тизимли ва танқидий таҳлил қилиш бўйича халқ депутатлари Кенгашининг ҳар ойлук иш режаларини тасдиқлаш ва ижро этиш орқали **ишларни кучайтириш тавсия этилсин**.

9. Қуйидагиларга:

а) халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига: маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб бажариш ҳисобига халқ депутатлари Кенгашлари котибиятлари ходимларининг фаолиятини баҳолаш натижасига кўра, уларнинг лавозим маошларига лавозим маошининг 200 фоизига қадар миқдорда устама белгилаш;

Тошкент шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан унинг захира фонди миқдори доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини кейинчалик хабардор

этган ҳолда **Тошкент шаҳри номидан юридик ва жисмоний шахслар фойдасига кафолат ва қафиллик бериш**;

б) Тошкент шаҳар ҳокими ва туманлар ҳокимларига маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб бажариш ҳисобига Тошкент шаҳар ҳокими ва туманлар ҳокимлари девони, шунингдек, давлат бошқаруви ҳудудий органлари ходимларининг фаолиятини баҳолаш натижасига кўра, уларнинг лавозим маошларига лавозим маошининг 200 фоизига қадар миқдорда устама белгилаш ҳуқуқи берилсин.

10. Тошкент шаҳри ҳудудда **2018 йил 1 октябрдан қуйидагилар амалга қиритилсин**:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар бюджети ўртасида қайта тақсимланадиган алоҳида турдаги тушумлар бўйича ажратмалар 5-иловага мувофиқ;

туманлар бюджетлари даромадига тўлиқ ҳажмда киритилаётган қўшимча тушумлар 6-иловага мувофиқ.

11. **Тошкент шаҳрининг бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича “йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “йўл харитаси”) 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизматига “йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш вазифаси;

Тошкент шаҳар ҳокими, вазирик ва идоралар раҳбарларига “йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Тошкент шаҳар ҳокими 2018 йил 1 октябрга қадар мuddатда **Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича халқаро танлов ўтказилишини** таъминласин.

Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияси Тошкент шаҳар ҳокими девонига юклансин.

13. Қуйидагилар Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шартларида жалб этиладиган маблағлари.

14. Тошкент шаҳар ҳокими:

2019 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳрининг бош режаси концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасинан;

2019 йил 1 декабрга қадар тасдиқланган Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси асосида Тошкент шаҳрининг бош режасини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Вазирик ва идоралар Тошкент шаҳар ҳокими девонига Тошкент шаҳрининг бош режаси концепцияси ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқишда кўмаклашининг, ўз ваколатлари доирасида ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишини учун зарур бўлган материаллар билан таъминласин.

16. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳрининг бош режаси тасдиқлангунга ва пойтахтни архитектура жиҳатидан ривожлантиришнинг истиқболлари аниқ белгилашгунга қадар:

Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида бузиш, реконструкция қилиш ва капитал қурилиш бўйича ишларни олиб бориш таққиланади;

Тошкент шаҳрининг бошқа туманларида янги тураржой массивларини қуришда ижтимоий объектларни комплекс жойлаштириш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини кенгайтириш мажбурий тартибда назарда тутилади.

17. Тошкент шаҳар ҳокимига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан маъқулланган ёки ишлаб чиқилган рентабелли инвестиция лойиҳаларига аҳолининг бўш маблағларини **Тошкент шаҳрининг облигациялари ёки янги ташкил этилаётган хўжалик жамиятлари акциялари шаклида қимматли қоғозларни чикариш** орқали жалб этишга рўхсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Тошкент шаҳар ҳокимига қимматли қоғозларни чикариш ҳамда жойлаштиришда кўмаклашсин.

18. Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг:

“Ягона буюртмачи хизмати” ИК, “Капитал қурилиш бошқармаси”, “Тошкент уй-жой қурилиш бошқармаси” ва “Моддий-техник таъминот бошқармаси” давлат унитар корхоналари негизида давлат унитар корхонаси шаклидаги **“Тошкент қурилиш инвест” инжиниринг компаниясини** ташкил этиш ҳамда уни Тошкент шаҳри ҳудудиде марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни ташкиллаштириш бўйича ягона буюртмачи сифатида белгилаш;

“Маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти” давлат унитар корхонаси негизида давлат унитар корхонаси шаклидаги **Муниципал активларни бошқариш марказини** ташкил этиш ҳамда унинг зиммасига муниципал мулкни, шу жумладан, муниципал мулк ҳисобланган давлат корхоналари ва хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушларни самарали бошқариш вазифаларини юклаган ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Тошкент шаҳар ҳокимига муниципал активларни бошқариш ва уларни ижарага беришдан тушадиган даромадларнинг бир қисмини, жумладан, Тошкент шаҳар ҳокими девонининг фаолиятини моддий-техник таъминлаш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтиришга рўхсат берилсин.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, ташки реклама объектларининг иншоотларини жойлаштириш учун тақдим этиладиган ҳудудлар рўйхатларини шакллантириш Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси томонидан ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитасининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда амалга оширилади.

Белгиласинки, руҳсатнома беришдан келиб тушадиган барча маблағлар электрон аукцион савдоларини ўтказиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда Тошкент шаҳри туманлари бюджетларига йўналтирилади.

20. Тошкент шаҳар ҳокими реал вақт режимида қуйидаги имкониятларни тақдим этувчи Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари девонининг интерфал порталларини яратишни таъминласин:

а) фуқаролардан маҳаллий бюджетнинг муайян қисмини, шу жумладан, Тошкент шаҳрини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасининг маблағларини, Тошкент шаҳри облигацияларини чикариш ҳисобидан жалб этилаётган маблағларни энг кўп овоз олган мақсадларга йўналтириш бўйича таклифлар олиш;

б) маҳаллий бюджетга тушумларни қузатиш, шунингдек, амалга оширилаётган тадбирларни ва уларга сарфланган маблағларнинг шафдофлиги ва очиқлигини таъминлаган ҳолда қайд этиш орқали уларнинг сарфланганини мониторинг қилиш;

в) Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари девонларининг тегишли ҳудуд аҳолиси билан қуйидагилар орқали ҳамкорлигини амалга ошириш:

пойтахт аҳолисидан уй-жой коммунал, транспорт ва бошқа инфратузилмани такомиллаштириш, ҳудудларни ободонлаштириш масалалари бўйича таклифларни қабул қилиш;

ҳокимлар ва ҳоким девони ходимларининг пойтахт аҳолиси таклиф ва мулоҳазаларига тезкор жавоб бериш;

пойтахт аҳолиси таклифлари ва мулоҳазаларининг ижросини назорат қилиш;

Тошкент шаҳрида арзон уй-жойга талаборг шахсларнинг навбатни ва рўйхатини очиқ шакллантириш;

ҳудудларни ривожлантириш, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурларини жойлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг таклифларини қабул қилиш;

пойтахт аҳолиси овоз бериши яқунлари бўйича туманлар ҳокимлари ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг рейтингини аниқлаш.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига: халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашларига Тошкент шаҳри ва туманлари ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга оширишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига кўриб чиқиш учун киритилаётган масалаларни халқ депутатлари Кенгашлари ййгилишларида муҳокама қилиш амалиётини жорий этиш;

халқ депутатлари Кенгашлари мурожаатлари бўйича ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ўз мажлисларида кўриб чиқиш тавсия этилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирилик бй ой мuddатда Тошкент шаҳрида каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш соҳасида қончиликка риоя этилиши ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун масъул бўлинмаларни белгилаш бўйича таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик уч ой мuddатда:

манфаатдор вазирик ва идоралар билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига хос бўлмаган ва бир-бирини тақдорловчи функцияларни аниқлаш нуктаи назаридан қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказсин, натижаси бўйича уларни оптималлаштириш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси, Молия вазирилик, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда оммавий мулкни республика ва муниципал мулкка аниқ ажратиш юзасидан таклифлар киритсин;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва

КАДРИЯТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайси вилоятга бормасин, ўша худуддан етишиб чиққан тарихий шахслар, улуғ сиймослар руҳини шод этиб, хотирасини абадийлаштиришга чақирини барчамиз учун ибрат ва сабоқдир. Давлатимиз раҳбари жорий йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига қилган ташрифи чоғида ҳам бунга алоҳида аҳамият қаратди. У киши 2016 йил 2 ноябрда вилоятимизга келганида тўрақўрғонлик маърифатпарвар Исҳоқон Ибротнинг илмий-педагогик ва бадиий меросини янада чуқурроқ ўрганиш борасида тўхталиб, бизни бу хайрли ишга чорлаган эди.

Бу давлат вилоятимиз олимлари, зиёлилари учун илҳомбахш курсатма эди. Тез орада Исҳоқоннинг илмий-педагогик, адабий-публицистик меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, боғ яратиш бўйича кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 7-8 июль кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Иброт бонда амалга оширилган ишлар билан танишиб, масканда хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган намунали мактаб, музей ташкил қилиш, атрофни янада ободлаштириш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб бергач, қисқа муддатда Тўрақўрғон тумани марказида улкан бунёд-

Бухоро мадрасасида Алоуддин Самарқандий исми мударрис қўлида таҳсил олган. Талабалик йилларидаёқ фикҳ илмини чуқур эгаллагани билан эътибор қозонади. Талаба устози Алоуддин Самарқандийнинг "Тухфат ул-фуқоҳо" асарига шарҳ битди ва уни устозига тақдим этди. Бундан азбаройи севинган устоз қизи Фотимани Косонийга никохлаб берди. Оила қурилганда Косоний ҳамда унинг фикҳ, ҳадис ва ҳуснихатда моҳир бўлган рафиқиси Алоуддин Самарқандий даражасида фатво бериш мақомига эга бўлади.

рини вазминлик билан баён қилар эди. Шом олимлари, асосан, шофийий мазҳабига мансуб бўлганликлари сабабли, улар билан узок давом этувчи илмий бахслар ўтказар ва уларнинг ҳар бир соволига ҳанафий фақиҳларининг фикрларига асосланиб жавоб қайтарар, пироваддида уларни илмий мунозараларда маълум этарди.

Косоний 587 хижрий ражаб ойининг 1-куни (1191 йил 3 август)да Ҳалаб шаҳрида вафот этган. У шаҳарнинг ташкаридаги Мақоми Иброҳим Халил мазорига, ўзидан аввалроқ дунёдан кўз юмган умр йўлдоши ёнига дафн қилинган. Бу зотларнинг қабрлари ҳозирги пайтда машҳур зиёратгоҳга айланган. Улар дафн этилган қабрнинг "Эр-хотин қабри" номи билан аталади.

Алоуддин Косонийнинг илмий мероси, китоблари хусусида фикр юритадиган бўлсак, у зотнинг "Бадоиус саноиъ фи тартибига солиштирилган маҳоратларнинг бадиияти" китоби тилга олинган. Мазкур асар фикҳ масалаларини ўрганувчи ва шу соҳада амалиёт юритувчилар томонидан ҳозиргача қўлланиб

Буюк аждодларимиз меросини ўрганиш — бурчимиз

корлик ишлари амалга оширилди. Янги барпо этилган Исҳоқон Иброт ёдгорлик мажмуаси, ҳеч шубҳасиз, нафақат вилоятимиз, балки республикамизда қиёси йўқ ҳам илмий, ҳам маърифий масканга айланди. Президентимиз навбатдаги, яъни 2-3 май кунлари Наманганга қилган ташрифи давомида Норин туманида фаоллар билан учрашиб, вилоятимизни янада ривожлантиришга қаратилган истиқболли вазифаларни белгилаб бериш билан бирга, буюк алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш борасида ҳам яна бир қимматли ташаббус билан чиқиб, йўл-йўриқ курсатди. Чунончи, буюк аждодларимиздан яна бири Алоуддин Косоний номини тилга олиб, бугунги авлод ундан қандай мерос қолганлигини деярли билмаслиги, шундай экан, унинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш кераклигини таъкидлади.

Алоуддин Косоний илм йўлида турли кентларда бўлади, бир дафъа Рум (Усмонли турк салтанати) диёрининг Кўнига шаҳрида истиқомат қилади. Бу ўқуда ҳам Косоний оиласи шариат илмининг заковатли билмдонлари сифатида ном қозонади. Уларнинг фатволарига салжўкий ҳукмдорлар ҳам маҳтал бўлишар эди. Алоуддин Косоний турли мазҳаб вакилларининг мунозараларида иштирок этиб, ўзининг мантқиқий теран фикрлари билан устун турарди.

Ҳукмдор хурматида сазовор бўлган Косоний тахминан 1146 — 1148 йилларда Ҳалабга элчи қилиб юборилади. Маълум муддатдан кейин эса оила Мовароуннаҳрга қайтишни ихтиёр этди, аммо уларнинг илму заковатида эътиқод қўйган Ҳалаб ҳукмдори Нуриддин аз-Зангий унинг шу ерда қолишини сўрайди ва Косонийни янги қурдирилган Ҳалавий мадрасасига бош мударрис этиб тайинлайди.

Косоний юксак савиядаги сунний олим бўлгани туфайли турли диний оқимлар ўртасида табиий равишда содир бўлиб турадиган тортишув-мунозараларда ҳар бир масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини

қилинади. Ушбу китобни таржима қилган шаҳид Алоуддин Мансур шундай дейди: "Урганганимиз Бадоиъус саноиъ" эса бошқа фикрий китоблардан фарқи равишда мукамал ва муфассал асардир. Унда ҳар бир масаланинг далили изчил текширилади, ихтилофли масалаларнинг сабаблари изланиб, улар тўла ва атрофлича ўрганилади. Жумладан, "Алоуддин Косоний китоб муқаддимасида Аллоҳ таолога гўзал ҳамда санолар ва Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи вассаламга чекиз саловатлар ва саломлардан сўнг айтадилар: Аллоҳни таниб, унинг сифатларини билганимдан кейинги илмларнинг энг улуғи фикҳ илмидир. Фикҳ илми ҳалол ва ҳаром илми, қонунлар ва ҳукмлар илмидир... офатлардан тўсадиган неъмат фикҳдир. Фикҳ юқорида айтилганидек, бир нарса ни таг-тути билан, далиллар билан билиш, шу нарса ни англаш ва ҳис қилишдир".

Асарда муҳим исломий ақидалар талқини билан бир пайтда иқтисодий-ижтимоий, ахлоқий масалаларга ҳам муносабат билдирилган. Бу эса Косоний китобининг ижтимоий кенг қамровлигидан, асарда инсонийлик, эзгулик тараннум этилганидан дарак беради.

Ушбу мулоҳазалар дастлабки ўрганишларимиз натижасидир. Бироқ Алоуддин Косоний тарбияланган оила, ота-онаси, ёшлик йиллари, унда буюк истеъдоднинг шаклланиш жараёнлари, Бухоро мадрасасида ўқиши, Туркия ва Сурияда олиб борган фаолияти билан боғлиқ маълумотлар деярли йўқ. Шу билан бирга, комиссия аъзолари, университетнинг тарихчи, шарқшунос олимлари шу кунларда Ўзбекистон Муслмонлари идораси ҳузуридаги фундаментал кутубхона архивида, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланган Алоуддин Косоний ҳаёти ва фаолиятига доир манбаларни кенгроқ ўrganмоқдалар. Буларнинг барчаси аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизни юртга фидойилик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлади.

Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Наманган давлат университети профессори.

Мақом наволари илк бор халқаро миқёсда янграйди

Асрлардан-асрларга, тиллардан-тилларга ўтиб келаётган мумтоз мусиқа оҳанглари ҳар қандай инсонни сеҳрлашга қодир. Унда катта қудрат бор. Ёқимли оҳанг тингловчи қалбига бирдек кириб боради ва маънавий озуқа улашади. Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Шаҳрисабз шаҳрида 6 — 10 сентябрь кунлари ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжуманида ҳам мухлислар дилтортар хонишлардан баҳраманд бўлишди.

Илк бор ўтказиладиган мазкур анжуман муносабати билан айрим санъаткорларимизнинг фикрларига қулоқ тўтдик.




Абдухوشим ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

— Ҳар бир халқнинг ўзига хос, бетакрор кадриятлари бор. Ўзбек миллий мақом санъати ҳам бизнинг бебаҳо бойлигимиз ҳисобланади. Уни кенг тарғиб қилиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбига миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ҳамда эътибор туйғуларини камол топтириш, келажак авлодга янада бойитган ҳолда етказиш бугунги кун зиёлилари ва санъат аҳлининг вазифасидир.

Турли халқар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳам-

корлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда мана шундай анжуманининг ўтказилиши мақом санъатида давлат миқёсда эътибор берилётганидан далолатдир.

Мақом санъатининг тарихи ва бугунги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган "Мақом нима?" номли китоб ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрга тайёрланмоқда. Анжумани юқори савияда ўтказиш учун Шаҳрисабзда махсус амфитеатр барпо этиляпти. Оқсарой майдонларини ҳудудлар кесимида тақсимлаш, вилоятларга хос миллий урф-одат, аънава ва кадриятлар акс этган сценарий ҳамда дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, муסיқий кетма-кетлик ва видеороликларни белгиланган муддатларда тайёрлаш устида қизгин иш олиб борилаётган. Анжуман доирасида Шаҳрисабзда "Мақом" музейи очилиши ҳам кўзда тутилган.

Ҳасан РАЖАБИЙ,
Ўзбекистон халқ ҳофиз:

— Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 6 ап-



релда имзоланган "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарордан халқимиз жуда хурсанд бўлди. Агар отамиз Юнус Ражабий ҳаёт бўлганларида, юртимизда мақом санъати-га шу даражада катта эътибор берилётганидан мамнун бўлардилар, бу воқеани кўзларида кувони ёши билан кўтиб олардилар.

Ўзбек миллий мақом санъати маркази томонидан ташкиллаштирилган сара-

лаш босқичларида иштирок этдик. Хорижий давлатлар ва Ўзбекистон номидан қатнашиш хоҳишини билдирган хонанда ҳамда созандалар, мақом ансамблларининг ижро намуналарини эшитдик. Аудио ва видео ёзувлар орқали чет давлат ижрочилари куй-қўшиқларини тингладик. Ижодий ишлар ичида муносиблири кўп.

Ўзбекистонлик ижрочилардан 10 нафари яхши чолғучи, ҳофиз, мақом ансамблларидан саралаб олинди.

Ушбу анжуман нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё санъатини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман. Яна бир гап. Мақом асарлари намуналарини архивдан кўтариб, уларни классификация қилиш, ажратиш, тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўларди. Телевидение ва радио каналлари орқали "Ўзбек миллий оҳанглари" деган канал очиб, миллий мақом санъати намуналари бериб берилса, деган ташаббус ҳам бор.

Рашидаҳон ҲАСАНОВА
ёзиб олди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

UZBEKISTAN TEXTILE expo

INTERNATIONAL EXHIBITION OF TEXTILE AND FASHION INDUSTRY

1-халқаро кўргазма

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА МОДА САНОАТИ

2018 йил, 5 — 7 сентябрь
Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК АЖ.

ONLINE РҲЙХАТДАН ҲТИНГ

Дастлабки икки кун факат соҳа мутахассислари тақлиф этилади!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

отлиқ отряд учун қўйидаги анжомларни ишлаб чиқариш ба етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

эгар тўплами (эгар, қоринбоғ, узанги, путличе (эгарга узангини илиб қўядиган тасма), юган, нўхта, терлик (тўқим тагига солинадиган намат), пошнага тақиладиган темиртепки, ортопедик вальтрапплар, темиртепки тасмаси, узун тизгин, от ёниги (қишки), отлар учун бинтлар тўплами (оддий, хирургияк, елимли ва бошқалар), занжирли тизгин (чумбур целной), сули солиш учун тўрва-халта, отга сув ичириш учун челек, от учун чўтка, от қашлагич, қайиш асбоби, болгалаш (темирчи) инвентари, тугмалли қўнж (хром чармдан), такалар, тақа учун михлар, от учун пластик-кевлардан тайёрланган ҳимоя воситаси тўплами, от гўнгини тўплаш учун махсус қоп.

Талабдорлардан танлов савдоларида қатнашиш учун тижорат тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк к., 1-уй.
Маълумот учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: (0-371) 281-43-72.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

отлиқ отряд учун қўйидагиларни ишлаб чиқариш ба етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

жузли ип аралашган армия аделлари, оқ рангли трикотаж қўлқоплар, кир ювиш кукуни, атирсовун (200 гр.), 5 фоззли зар ип (канитель), «Уста» кўкрак нишони.

Талабдорлардан танлов савдоларида қатнашиш учун тижорат тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк к., 1-уй.
Маълумот учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: (0-371) 281-43-72.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ, ИННОВАЦИОН УСУЛДА ТАЪЛИМ БЕРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони асосан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

«ЯНГИ ЗАМОН БИНО» ҚУРИЛИШ КОРХОНАСИ
қуйидаги йўналиш ва соҳалар бўйича ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- умумқурилиш ишлари устаси йўналиши бўйича: бетон қуювчи, бинонинг конструкция элемент монтажчиси, том ёпувчи, гишт терувчи, пайвандловчи, пол ётқизувчи;
- қурилиш-пардозлаш ишлари устаси йўналиши бўйича: сувқочи-пардозловчи, кошинкорлик, кафель терувчи, мозаика ва мрамар ишлари, қуруқ усулда қурилиш-пардозлаш ишлари устаси;
- сув, газ таъминоти, канализация тизимларини ўрнатилиш, таъмирлаш ва ишлатиш устаси йўналиши бўйича: сантехника ишлари устаси, электр-газпайвандчилар.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 29 июндаги 6-сонли ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 29 июндаги 2-сонли қўшма қарорларига асосан, қурилиш соҳаси ходимлари учун

қуйидаги йўналишлар бўйича ўқув ва малака ошириш курслари ташкил этилганини маълум қилади:

- бино ва иншоотлар қурилишига инновацион ёндашув йўналиши бўйича қурилиш бўлим бошлиқлари ва прораблар учун 36 соатлик ўқув ва малака ошириш курслари;
- умумқурилиш ишлари устаси ва қурилиш-пардозлаш ишлари устаси йўналиши бўйича бригадирлар, звено бошлиқлари ва усталар учун 72 соатлик курслар;
- бетон қуювчи, гишт терувчи, пайвандловчи, бинонинг конструкция элемент монтажчиси, том ёпувчи, сантехник, сувқочи, кошинкор мозаикачи ва қуруқ усулда пардозловчи ихтисосликлари бўйича мутахассис ишчилар учун ишдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган 144 соатлик ўқув ва малака ошириш курслари.

Ўқув ва малака ошириш курслари якунланганидан сўнг соҳа ходимларига коллеж томонидан белгиланган тартибда сертификат, корхона томонидан эса соҳа ходимларининг даражаси ва касбига қараб тегишли разрядлар берилади.

Ўқув ва малака ошириш курслари тингловчиларининг ўқиши билан боғлиқ сарф-харajatлари белгиланган тартибда «Янги замон бино» қурилиш корхонаси томонидан амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 237-08-80, 291-26-47.

«Янги замон бино» қурилиш корхонаси манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амур Темур шоҳқўчаси, 95-«А» уй. E-mail: yazb2016@umail.uz

Тошкент архитектура-қурилиш касб-ҳунар коллежи манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги замон 3-тор кўчаси, 1-уй.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 78 048 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Ташриятга келган кўлабмақом тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.55 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6